

Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: halksuzi@uzpak.uz

2002 йил 17 октябрь, №224 (3052)

Пайшанба

КОНСТИТУЦИЯНИНГ ЎН ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлисининг туққинчи сессиясидаги маърузасида "Суд ҳокимияти ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро муносабати масаласи ҳам алоҳида диққат-эътибор қаратишни талаб этади. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек кенг миқёсдаги ўзгаришлар, аввало, ҳар қайси фуқаронинг манфаатини ҳимоялайдиган қонун ва нормалар оммавий ахборот воситалари томонидан таништириб ва ёритиб борилиши зарурлиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш лозим", деб таъкидлаган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ва Ўзбекистон Республикаси Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси Бош қонунимизнинг 10 йиллигига бағишлаб "Конституциянинг асосий қондаларини аҳолига етказиш ва тушунишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти" мавзуда ўтказган илмий-амалий анжуманда ҳам шу ҳақда гап борди.

Анжуманда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, жамоат бирлашмалари вакиллари, олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчилари ва журналистлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Конституциявий суд, Олий суд, Бош прокуратура ҳамда Олий ҳўжалик суди, ом-

мавий ахборот воситалари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар иштирок этди.

Анжуманда Конституциявий суд раиси Б.Мустафоев, Оммавий-ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси раиси Х.Дустмухамедов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова ва бошқалар маъруза қилди.

Тадбирда Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституциявий органининг ташкил этиш тўғрисида"ги 2001 йил 4 январда қабул қилган Фармойиши мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётида юксак аҳамиятга эга бўлгани таъкидланди. Конституцияни ўрганиш ташкил қилишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта бўлмоқда. Айни пайтда Бош Қонунимизни тарғиб этишга қаратилган махсус дастурлар, қўلانмалар ишлаб чиқилди. Конституцияни ўрганиш ва тарғиб этиш иши аҳолининг турли ижтимоий қатламлари савияси, манфаатлари ҳамда талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилаётгани мунтазам равишда таъкидланди.

Анжуманда Конституция ва қонунлар моҳиятини аҳолига етказишда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

(ЎзА).



"Hwasheh - Vykhara Co Ltd" қўшма корхонаси ҳақида эшитганимиз? Пиллани иппакка айлантирувчи ушбу корхона Бухорода жойлашган. Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги мақсули бўлган ушбу корхонада меҳнат қилаётган 350 нафар йигит-қиз бир йилда 250 тонна пилла хомашисини қайта ишлашда жонбоқлик кўрсатиб меҳнат қилмоқда. Гарчанд корхонанинг фаолият юритаётганига

эниггина иккинчи йил кетаётган бўлсада, у нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари, балки хориж бозорларида ҳам ўз ўрнини топишга улгурди.

СУРАТДА: корхонанинг шатор иппак йиғирувчиси Гулноза Тухтамуродова.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

БМТ БОШ КОТИБИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан 18-20 октябрь кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ташриф чоғида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов билан музокара ва бошқа талбирлар ўтказилиши, шунингдек, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларига сафар уюштирилиши режалаштирилмоқда.

Ташриф арафасида

ЎЗБЕКИСТОН-БМТ: ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАВЕРЕДИ

Йигирманчи асрнинг бошида, аниқроғи, биринчи жаҳон урушидан кейин, давлатлар ўртасидаги моҳороларни бартаф этиш мақсадида Миллатлар лигаси таъсис этилган эди. Лекин у тинчликни соғинган олам аҳлининг нажот қалъасига айлана олмади. Охир-оқибат Лига ўз ўрнини бошқа халқаро ташкилотларга бўштириб берди. Шу залда 1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотига асос солинди.

Жаҳондаги энг нуфузли ташкилот макомини олган БМТ фаолият кўрсата бошлаган йили унга 51 давлат аъзо бўлди. Ҳозир эса 191 мамлакатни бирлаштириб турибди. 2002 йилнинг сентяб-рида қабул қилинган Швейцария ва Шарқий Тимор ташкилотнинг энг кенжа аъзолари саналди. Таъкидлаш жоизки, БМТ ярим асрдан кўпроқ вақт мобайнида ер юзидagi барча мамлакатларни қамраб олди. Унинг сафига қўшилиш давлат мустақиллиги эътирофини аниқтавчи омиллардан бирига айланди.

Истиқлолга эришган Ўзбекистон ҳам 1992 йилнинг 2 мартдан эътиборан БМТнинг аъзоси. Ватанимиз тарихи, халқимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлган ўша кундан бошлаб Ўзбекистон Республикаси байроғи маъзур ташкилотнинг бош қароргоҳи олдига ҳилпираб турибди.

БМТ ташкил этилган пайтда жаҳонда юзтага келатган кескинликларни юмшатиш, уруш чиққинининг олдини олиш, мавжуд эддаги давлатлар ва муаммоларни турли давлатлар вакиллари иштирокида тинч муҳокама йўли билан ҳал этиш ташкилотнинг асосий вазифаси сифатида белгиланган. Сунгги йилларда БМТ замон талабларидан келиб чиқиб, фаолият доирасини анча кенгайтирди. Жумладан, очарчилик, қург-оқчилик ва бошқа офатлардан азият чекаётган мамлакатларга ёрдам, воситачилик, қочқинларнинг аҳолини яхшилаш, илм-фан, маданият, тарих, экология, иқтисод, молия, савдо-сотик соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги ишлар эътиборга олинди.

Шу ўринда, бевосита Ўзбекистон ва БМТнинг кенг миқёсдаги ҳамкорлик алоқалари тўхталмоқчи. Бундай фаол ва илқ муносабатнинг шаклланишида давлатимиз раҳбари Ислам Каримов юритаётган оидил ва изчил сиёсат муҳим омил бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг талай дунёвий муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ тақдир ва ташаббуслари халқаро ҳамжамият томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Президент Ислам Каримовнинг БМТ Бош ассамблеясининг 48 ва 50-сессияларида сўзлаган нутқларида кўтарилган оламшумул масалалар жаҳон ҳамжамияти томонидан жуда катта ҳайрат-қайнатилган бўлиши олдиди.

(Давоми 2-бетда).

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцария Конфедерацияси Кантонлар кенгаши (парламентнинг юқори палатаси) раиси Антон Котте бошчилигидаги делегация вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ташқи сиёсат мақамаси раҳбари Абдулазиз Комилов Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги алоқалар кенг қўламоғига эътиборини таъкидлади. Швейцариянинг қўллаб-қувватлаш компаниялари мамлакатимизда самарали фаолият юритаётгани, ҳамкор-

ликда амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш бу фикрнинг яққол далилидир.

Учрашув чоғида Ўзбекистон-Швейцария ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Томонлар икки мамлакатнинг иқтисодий, фан, маданият, қонунчилик ва қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги алоқаларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароит мавжудлигини таъкидлаб, маъзур жаҳондаги ҳамкорлик қўламоғи янада кенгайтириш борасидаги қарашлари билан ўртоқлашди.

Теннис бўйича Осиё чемпионати

ЯШИЛ КИТЬАГА ЙЎЛЛАНМА

Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида XIV Осиё ўйинлари нихоёсига етгач, пойтахтимизда яна бир нуфузли турнир старт олди. Тошкент теннис марказида юртимизда илк бор ўтказилаётган Осиё чемпионатида ўн бешта яқин давлатдан келган спортчилар биринчилик учун баҳс бошлади. Бир ҳафта давом этадиган ушбу мусобақада голиб чиққан ракетка усталари келгуси йил январь ойининг сунгги ҳафтасида Мельбурнда бўлиб ўтадиган "Улкан тож" туркумидаги Австралия Осиё биринчилиги wild card, яъни махсус ташрифномани қўлга киритишди. Бахслар эркалар ва

(Давоми 4-бетда).

Халқаро анжуман

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Солиқ ва боғжона органлари академиясида халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда солиқ механизмининг ўрнига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман очилди.

Икки кун давом этадиган анжуманда тегишли вазирликлар, қўмиталар вакиллари, жойлардаги соҳа мутахассислари, олимлар, халқаро ташкилотлар мутахассислари солиқ ва боғжона тизимини жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама этади.

Тадбир иштирокчилари халқаро иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда солиқларнинг аҳамияти, молия тизимини ривожлантириш, иқтисодий муносабатларда бож ва солиқларнинг ўрни, солиқ ва солиққа тортиш тизимининг ҳуқуқий асослари ва самарадорлигини ошириш омиллари, солиқ ва боғжона органларига кадрлар тайёрлашни тақомиллаштириш каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашди.

Замон ЭШОНҚУЛОВ, ЎзА мухбири.

Шартнома - қонун!

Илгари, эсингизда бўлса, шундай аччиқ бир ҳолат кузатиладими: туппа-тузук ишлаб турган корхона ёки фирмага узун-қиска бўлиб турли тоифадаги текширувчилар кириб келар, нишонига олинган жамоа раҳбари ва ҳисобчисини, ҳатто ишловчиларини бири қўйиб иккинчиси савоғдан тутар, озгина хато топилган бўлса, қийин-қистовга олар, қилдан қийик ахтариб қўриқтар эди. Минг бир чигирикдан ўтказилган корхона раҳбари юрак ҳовучлаб ҳар хил қоғозларга қўл қўяр, кайфияти бузилган ишловчиларнинг эса қўли ишга бормай қоларди.

Ачинарлиси, ўша жамоа аҳли уларни кузатиб улгурмай, яна бир комиссияга рўбарў бўлар эди. Оқибатда иш орқари кетиб, барака кўтарилар, маҳсулот сифатига эса жиддий пугур етарди.

Хайриятки, кейинги йилларда ана шу салбий ҳолатларга бутунлай барҳам бериш мақсадида республикамизда мавжуд ҳўжалик юритувчи

чоралар қўрилмоқда. Бу борада бошқармаишда янги ташкил этилган халқ ҳўжалигида ҳуқуқий ишлар, ўрта ва кичик тадбиркорликни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўлими ходимлари

га бевозта қилаётганлар ҳамон учраб турибди. Масалан, Аска тумани солиқ инспекцияси ходимлари Кутган қишлоғида жойлашган «Егду» хусусий ёнилиги қўйиш шохобчасини элакдан ўтказиб, оператор

500 МИНГ ЗАРАРНИ РАИС ТЎЛАДИ

фаоллик кўрсатмоқда. Бироқ, тан олиш керак, қўрилаётган амалий чора-тадбирлар туфайли вилоятда назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текширишлар бирмунча барҳам топган бўлса-да, айрим жойларда тадбиркорлик билан шугулланган, бир қанча янги иш ўринлари яратиб, халқ хизматида бўлаётганларни бўлар-бўлмас-

А.Раҳимовга нисбатан 20.580 сўм жарима қўллади. Ушбу ҳолат юзасидан судга тақдимнома киритилган, унга ноқонуний жарима солинигани маълум бўлди. Пировардида маъмурий жарима қўллаш ҳақидаги қарор бекор қилиниб, ундирилган пул ўз эгасига қайтарилди.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги хабарлар

Ҳовли тўйларни нишонланмоқда

Нукус шаҳри тўйлари арафасида "Ўзпахтасаноат" уюмаси бюромасига биноан қуриб битказилган 20 оилга мўлжалланган беш қаватли тураржой биносида ҳовли тўйлари нишонланди.

Замонавий меъморчилик андозаларига мос, шинам ва барча қўлайликларга эга бўлган иморат қурилишида 386-механизацияланган кўча жамлашма қурувчилари 228 миллион сўмлик қуриш-монтаж ишларини бажарди.

(ЎзА).

Альпдан Оролбўйига туҳфа

Швейцария Конфедерацияси Нукус шаҳридаги ҳамкорлик қўлини чўзди. Нукус шаҳридаги оқова сув тармоқларини таъмирлаш, янги шохобчаларни вужудга келтириш учун грант ажратди. Ҳозирга қалар Нукусда 5 та замонавий оқова сув станцияси таъмирланди, айримлари янгидан барпо этилиб, ишга туширилди.

Ўқувчиларга совба

Хатирчи туманидаги Абдулҳамид Чўлпон номидаги 83-мактаб ўқувчилари янги бинога кўчиб ўтдилар. Қишлоқда 422 ўринли мактаб биноси қуриб битказилди. Уни қуриш, жиҳозлаш ишларига 400 миллион сўм маблағ сарфланди. Энди ўқувчилар барча қўлайликларга эга бўлган кенг ва ўзгир синф хоналарида билим оладилар. Спорт зали эса уларнинг жисмонан соғлом бўлишларига хизмат қилади.

"Халқ сўзи" назоратида

Киракашлар фаолияти тартибга солинади

Газетамизнинг шу йилги 4 август сонида "Киракаш машиналар йўловчи соғ-омон этиб боришига қадимми?" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда шахсий автомобилларда йўловчи ташин жароёнда юз бераётган айрим қонунбузарликлар тилга олинган ва аҳолини ўнглашга доир фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган. Шу муносабат билан мутасадди ташкилотлардан расмий жавоблар келди.

"Мақолада нихоятда долзарб масала кўтарилган. Шунга қўра енгил автомобиллар пойтахтдан вилоятларга жўнай-

диган нуқталардаги вазият агентлигимизнинг Тошкент шаҳар бўлими ва "Ўзбекистон автомобильчиси" газетаси ходимларидан иборат гуруҳ томонидан Тошкент шаҳар ИИБ ходимлари ёрдамида текширилди, — дейилди Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги бошлиғи ўринбосари М. Топилов ишловчиларга ҳатта. — Натигада Фарғона водийси вилоятларга қатнайдиغان автомобиллар асосан Қўйлик бозори ёнидаги транспорт воситалари тўхтайдиган жойдан жўнаши, у ер ҳайдовчилар томонидан узбошимча-

лик билан узлаштирилгани аниқланди.

Шунинг айтиш керакки, вилоятларга йўловчи ташинувчилар асосан шахсий енгил автомобиллар эгаларидир. Ҳўжатлари текширилганида, уларнинг аксарияти йўловчи ташин ҳуқуқини берувчи лицензияга эга эмаслиги, фаолиятлари ноқонунийлиги маълум бўлди. Бироқ ҳайдовчилар Тошкентга ўз ишлари билан келганиларини ва қайтишда йўл-йўлакка миждоз олиб кетаётганликларини айтишди.

(Давоми 2-бетда).

Ватанимиз шаънини улуғлаганлар

Шу йилнинг 30 сентябрь кунини Жанубий Кореянинг Пусан шаҳрида китъамизнинг энг нуфузли спорт байрами — XIV Осиё ўйинлари бошланганда, шарҳловчиларимизнинг кўпчилиги ўзбекистонлик боксчилар, теннис усталари, дзюдочилар қаторида эркин ва юнон-рум кураши полвонлари ўз соҳалари бўйича голибликка даъвогар эканликларини баъшорат қилишган эди. Хақиқатан ҳам шундай бўлди. Жумладан, республикамиз вакили, юнон-рум курашчиси Алексей Чеглаков 96 килограмми полвонларнинг финал баҳсида мезбон — Жанубий корейлик Пак Му Юнгни 5:0 ҳисобида мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди.

Бу терма жамоамиз ҳисобидаги иккинчи олтин медал эди.

Газетамизнинг 4-саҳифасига қаранг. →

ДИҚҚАТ: ТАҲЛОВ!

Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 2003 йилда атоқли ўзбек шоири, академик Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги юртимизда кенг нишонланади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги пойтахтимизнинг марказий қисмида барпо этиладиган Фафур Фулом ҳайкалининг энг яхши лойиҳаси учун

Республика очик танловини эълон қилади

Танловда профессионал ҳамда хаваскор ҳайкалтарошлар иштирок этишлари мумкин.

Танловга тақдим этиладиган лойиҳалар шу йилнинг 30 ноябргача Ўзбекистон Бадиий академиясида қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қуйидаги совринлар таъсис этилди:

- Биринчи ўрин учун 500 минг сўм пул мукофоти;
- Иккинчи ва учинчи ўрин эгаларига рағбатлантирувчи мукофотлар.

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотларни 56-50-47, 56-53-46, 56-34-07 телефонлар орқали олиш мумкин.

Тошкент қўмитаси

500 МИНГ ЗАРАРНИ РАИС ТЎЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Марҳамат тумани солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ва давлат инспекцияси ходимлари биргаликда «Омад» хусусий ишлаб чиқариш-савдо фирмасида мониторинг ўтказдилар. Улар фирма раҳбаридан тушунтириш хати олиб, жорий йилнинг олтинчи мартада фирма ҳисоб рақамидagi 329.000 сўм пулдан 233.000 сўмини «Пахта-банк»нинг депозит ҳисобига кирим қилдилар. Бу ўзбошимчиликка вилоят прокуратурасига тақдимнома киритиш билан барҳам берилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, марҳаматлик солиқчилар, хусусан, уларнинг раҳбари Н.Тўрақулов тадбиркорлик субъектларига ноқонуний равишда маъмурий жазо чоралари қўллаб келган. Кейинги пайта йигирма нафар тадбиркорни ўз ноғорасига ўйнатганини нима билан изоҳлаш мумкин? Фикримизнинг далили сифатида «Мармар» хусусий фирмасини олиб кўрайлик. Солиқчилар раҳбари Н.Тўрақулов фирма раҳбари А.Иброҳимовни солиқ қонунчилигини бузганликка айблаб, жарима ундириш билан жазоланган. Ҳолбуки, унинг бу хатти-ҳаракатлари ноқонуний эди. Шу боис қўлланилган маъмурий жазолар нотўғри деб топилди, уларни бекор қилиш ҳақида тегишли идоратга тақдимномалар киритилди. Шартнома ҳар икки томон

учун мажбурият ҳисобланиши барчага аён. Унинг шартларини бажаришда фирмани қилиниши оғир оқибатларга олиб келади. Молиявий ҳолат издан чиқади. Охири-оқибатда корхона ёки фирма ишқирозга учрайди. Демак, шартномага амал қилиш шарт. Бироқ...

Хусусий тадбиркор, О.Ишончаев икки томонлама тузилган шартномага мувофиқ, Пахтаободаги «ХМКС-2» акциядорлик жамиятига умумий қиймати 8.725.000 сўмлик 349 квадрат метр ҳажмдаги рангли ойнани етказиб беради. Бу юртамчилар ойнани олишга боладилар-у, ammo унинг ҳақини тўлашга келганда, фирмани қиладилар. Аниқроғи, қисман ҳақ тўлаб, қолган 2.725.000 сўмни узоқ муддат мобайнида тўлашдан бош тортдилар.

Тадбиркор, табиийки, ҳақини ундиришга сарсон-саргардон бўлади. Ишончаев дарз кетади. Ниҳоят, у ўз ҳақини ундириб беришларини сўраб ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат этишга мажбур бўлади. Унинг шикоятни бошқарма ходимлари томонидан афрофлича ўрганиб чиқилиб, О.Ишончаевнинг манфаати ҳимоя қилинди. Яъни 2.725.000 сўм асосий қарз, 2.028.500 сўм жарима, 2.000.000 сўм бой берилган фойда, 500.000 сўм моддий зарарни ундириш ҳақида Избоскан туманлараро фуқаролик судига даъво аризаси киритилди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: шартнома мажбуриятлари

га нега амал қилинмади? Тадбиркорнинг ҳақ-ҳуқуқларини қим паймол этди, унинг сабабчилари сувдан куруқ чиқиб қолади. Молиявий ҳолат издан чиқади. Охири-оқибатда корхона ёки фирма ишқирозга учрайди. Демак, шартномага амал қилиш шарт. Бироқ...

Умуман, бошқарма ходимлари жорий йилнинг ўтган даври давомида ўнлаб тайёрлов идоралари, фермер ва ширкат ҳўжаликлари ҳамда оилавий пудратчилар фаолиятида шартномавий муносабатларнинг қонунийлигини ўрганиб, таҳлил этди. Маълум бўлдики, жойларда ўзaro имзоланган 288 та шартнома шартларига амал қилинмапти. Шу боис ана шу ишлар юзасидан судларга тегишли даъво аризалари киритилди. Натигада қишлоқ ҳўжалигида фаолият юритаётган деҳқон ва фермер ҳўжаликларига 3 миллион сўмдан ортқ моддий зарар ундириб берилди. 607 миң сўмлик маънавий зарарни эса ҳўжалик раҳбарлари ўз чўнтақларидан тўлашга мажбур бўдилар.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини шакллантириш, шартномавий муносабатларини, айниқса, ички пудрат шартномаларининг бажарилишида қонунийликни таъминлаш кундалик фаолиятимизнинг ажралмас қисмидир. Зеро, Президентимиз Қашқадар вилотидаги ташириш чоғида шартномавий муносабатлар масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди: «Агар шартнома ҳўжалигининг айби билан бузилса, у пудратчи кўрган зарарни тўла қопласин, аксинча бўлса, пудратчи ҳўжаликнинг камомадини тўласин». Бу кўрсатмалар биз учун дастуриямалдир.

Рустамжон ИМОМОВ, Андижон вилоти адлия бошқармасининг бошлиги.

Мажбурият бажарилди

Андижон вилотида Жалакудук тумани меҳнатқашлари давлат пахта тошириш шартнома мажбуриятларини бажарди. Туманининг яли ҳирмони 25 миң 850 тонна ташиқ қилди. Илгор ҳўжаликларида ҳосилдорлик гектардан 43 центнерга етди. Уйлаб ижара ҳўжаликлари тошириқни 50-60 фоиз ошириб бажаришди.

Муваффақият омиллари ҳақида гапирар эканми, таъминотнинг тўғри ташиқ этилиши, деҳқонлар меҳнати рабаатлантирилиши, чигитни икки ҳўжабл экшени қайд этмоқ зарур, — деди «Дустлик» ширкат ҳўжалиги раиси Ш.Юнусов. — Бу ҳар гектар экин майдонига тўзаниш зарур эчилигига эришиш имконини яратди.

Анжуман иш бошлади

Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида «Узбек расалхонаси: ноёб устурлоблар ва гаройиб натижалар» мавзуда илмий анжуман бошланди.

ДААД — Германия академик алмашинулар хизмати билан ҳамкорликда ўтказилган анжуман мазкур анжуманда республикамизнинг турли вилоятларидаги олий ўқув юрталари олимлари ўз мазруралари билан иштирок этмоқда. Мазрураларида асосан Узбек расалхонасининг фаолияти, дастлабки астрономик кузатишлар, буюк мунажжим яратган жадвалнинг аниқлиги, мамлакатимизда математиканинг ривожини, ушбу соҳадаги янгилар ҳамда ҳозирги кундаги долзарб муаммолар ҳусулда фикр юритилди.

Анжуман уч кун давом этди.

(Ў.А.)

ЎЗБЕКИСТОН-БМТ: ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНАВЕРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Афғонистондаги воқеалар мисолида дунё тинчлиги ва хавфсизлигига раҳна солаётган террорчилик офати ҳақида гапирар экан, Ислам Каримов бундай ҳодисалар ер юзининг исталган нуқтасида турли кўринишларда содир бўлиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган эди. Кейинчалик АҚШда юз берган 11 сентябрь фожияси ёхуд кунни кеча Индонезиянинг Бали оролида содир этилган кўпуровчилик Президентимизнинг бир неча йил аввал башорат қилиб айтган террор миллат ҳам, худуд ҳам танламайди, деган фикрини яна бир исботлади.

Кўпбал халқаро анжуманлар муҳокамасига киритилган гиёҳванд моддалар савдосига қарши кураш, атроф муҳитни муҳофаза этиш, Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона, деб эълон қилиш хусусидаги оламшумул тақдирлар ҳам айнан Ўзбекистон раҳбари томонидан илгари сурилганини айтиб ўтмоқ керак.

Давлатимиз раҳбарининг минтақа хавфсизлиги, айниқса, Афғонистон муаммосини ҳал этишдаги тақдир ва ташаббуслари БМТ шафёлигида «6+2» гуруҳи ташиқ этилишига асос бўлди. Гуруҳнинг 1999 йили Тошкентда бўлиб ўтган йилгилишида эса Афғонистондаги мухолиф томонлар илк бор бир даврга тўпланди. Мазкур йилги якунида қабул қилинган «Афғонистондаги зиддиятни тинч йул билан ҳал этишнинг асосий тамойиллари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси БМТ Бош Ассамблеяси узоқ муддатга мўлжалланган сиёсий ҳужжат макomini берди.

Президент Ислам Каримовнинг БМТ «Минг-йиллик саммити»да сўзлаган нутқи халқаро ҳамжамият томонидан қизгин қарши олинди. Зеро, унда долзарб дунёвий муаммолар очиб берилиши билан бирга, яна янги ташаббуслар ўртага ташланган эди. Бу тақдирлар, аввало, БМТ фаолиятининг самардорлигини ошириши учун Хавфсизлик Кенгашининг кенгайтириш билан боғлиқ бўлди.

«Хавфсизлик Кенгаши» босқичма-босқич ислоҳ қилиш даркор. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ. Биринчи қадам сифатида Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роль ўйнаётган Германия ва Японияни киритиши тақдир қиланган.

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фаолияти билан боғлиқ яна бир ташаббусни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади. Бу мазкур органнинг мавқеи ва масъулиятини кўтариш масаласидир. Қўзда тутилган жиҳат шуки, қуроли мижароларнинг олдини олиш учун Хавфсизлик Кенгаши ўта кескин чоралар қўллаш, хусусан, «тинчликка мажбур қилиш» деб аталувчи механизмни яна солиш ҳуқуқига эга бўлиши керак.

Зикр этилган мисоллардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон-БМТ ҳамкорлиги кенг миқёсда ривожланиб, мустаҳкамланиб бормоқда. БМТ ташиқ этилган 57 йил тўлиши арафасида ушбу халқаро нуфузли ташиқлот Бош котиби Кофи Аннанинг мамлакатимизга ташириф буюриши эса бундай алоқалар янги, янада юқори босқичга кўтарилишдан дарак беради.

Ўзод РАЖАБОВ, Ў.А. шарҳловчиси.

Фурибгарлар қўлга тушди

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари йирик миқдорда яхна ичимликлар тайёрлаб сотува-га чиқараётган яширин цех фаолиятига чек қўйди. Яширин цехни Тошкент шаҳрида яшовчи, 1974 йилда туғилган, муқаддам судланган Х.Дилшод ва 1975 йилда туғилган Р.Аваз пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги кўп қаватли уй хонадонларидан бирида ташкил этган экан.


Сохта тадбиркорлар узоқ вақт мобайнида тегишли расмий ҳужжатларсиз, санитария талабларига мутлақо зид шароитда қалбаки ичимликлар тайёрлаб, шахримизнинг улгуржи бозорларида сотиш билан шуғулланиб келганлиги дастлабки суриштирувда аниқланди. Аҳоли ўртасида харидоригр бўлган «Фанта», «Кока-кола», «Спрайт»

каби ичимликлар яширин цехда ойига 2500 донагача елим идишларда тайёрланиб, сотилар экан. Шу ўринда келиб чиқши шубҳали ингрдиентлар қўшиб тайёрланадиган ва эски идишларга қўйлаётган бу ичимликларнинг харидор саломатлиги учун хавфли эканлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳодислар иштирокида кўздан кечирилган яширин цехда спирт-ли ичимлик идишларини маҳкамловчи қўлбола дастоҳ, қопоққор ва Россияда тайёрланадиган «Родник» ароғини сохталаштириш учун мўлжалланган ёрдиқлар, акциз маркалари ва жиноятга алоқадор бошқа далилий ашёлар ҳам мусодала қилинди.

Ҳозир ушбу факт бўйича жиноий иш кўзатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

(Ў.А.)



Пахта йиғим-терими авж паллаб кираган ушбу дамларда пахта тозалаш заводларида ҳам иш қизғиндан қизган. Деҳқонларимизнинг четлаб кўри, пешона тери эвазига етиштирилган пахта ҳосили пешма-пеш қабул пунктларига, пахта тозалаш заводларига келтириляпти. Шеробод тумани пахта тозалаш заводи бу йил 51250 тонна пахта ҳосилини қабул қилиб олади. Ҳозирга қадар қабул қилинган ҳосил 28500 тоннани ташиқ этмоқда. Қайта ишланаётган тола эса асосан хоржий мамлакатлар, хусусан, Швеция, Жанубий Кореяга жўнатиляпти. Корхонада ишининг уч сменада ташиқ этилганлиги меҳнат унумдорлигининг ошишида самара бермоқда.

СўРАТДА: Шеробод пахта тозалаш заводи директори муовини Қодир Қиличев ва бош механик Бахтиёр Раҳмонов. Искандар ХўЖАЕВ (Ў.А.) олган сурат.

Қарор ва ижро

Навоий вилоти солиқ тизими ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори жойларда қандай бажарилаётганлигини алоҳида назоратга олганлар.

Шу йўналишда Учқудуқ тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган навбатдаги текширув давомида «Малика» хусусий фирмаси сотувчиси Наримон Қюмов сифат сертификати эга бўлмаган вино қўшиб сотаётган пайтада қўлга тушди. Текширув давомида Наримон солиқ хизмати ходимларига ҳеч қандай ҳужжат кўрсатолмади. Кейинчалик маълум бўлишича дўкон юридик шахс сифатида рўйхатга олинмаган, унга спиртли ичимликлар сотиш ҳуқуқи берилмаган экан. Дўконда ҳатто назорат касса машинаси ҳам йўқ эди. Шунга қарамай Наримон қарера тайёрланган номалум бўлган винонинг ҳар литрини 500 сўмдан пуллаётган эди. Утган ҳафта-ларда назорат касса машинасида фойдаланмаган ҳолда 300 миң сўмлик вино сотилди. Лекин тушумнинг бир сўми ҳам банк муассасаларига топширилмади. Ушбу ҳолат юзасидан тузилган давлатно-ма вилот прокуратураси ҳуқуқиди солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасига қонуний чора кўриш учун юборилди. Ҳозир суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Қуруқ савлатгалими?

ёки харид учун чек олинг

бузилишлар аён бўлди. Текширувларнинг бирида «Кока-кола ЛТД» корхонаси раҳбари Тўти Матчоновна 2001 йилда салқин ичимликларини сотишдан тушган 2 миллион 195 миң 870 сўм нақд савдо тушумини назорат касса машинасида кўриб чиқилган 1 миллион 979 миң 70 сўм нақд пул тушуми туман «Тадбиркор банк» бўлимига топширилмаганини тасдиқлади.

2002 йил давомида ҳам корхонада молиявий интизом бузилиб келган. Салқин ичимликларини сотишдан тушган салкам 200 миң сўм нақд пул тушуми назорат касса машинасида ўтказилмаган ва банк муассасасига топширилмаган эди. Бу билан Тўти Матчоновна Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўрсатилган жиноятни содир этган эди.

Афсуски, назорат касса машиналарини четлаб савдо қилиш ҳолатлари бошқа ша-

ҳар ва туманлардан ҳам кўзга ташланмоқда. Яқинда Фарғона тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари ўтказган текширувда Чимё кишлоғида жойлашган автомашиналарга сувоқтирилган газ қуйиш шохбасида аҳоли билан ҳисоб-китобда назорат касса маши-

кўрсатаётган «УСМ» хусусий фирма раҳбари Саттор Жабборовнинг ҳам тинчи йўқолган. Солиқ хизмати ходимлари фирмада солиқ қонунчилигига қандай амал қилинаётганлигини ўрганиб, 12 миллион 900 миң сўм савдо пули банкка топширилмай бошқа мақсад-

қарорининг 6-бандида назорат касса машиналарини четлаб савдо қилувчиларга нисбатан кўриладиган жазо чоралари аниқ-равшан ифодалаб берилди. Нақд пул тушуми яширилган тақдирда солиқ органининг қарори билан яширилган шу нақд пул тушуми миқдоридан

насида умуман фойдаланилмаётганлиги маълум бўлди. Шохоба тақсимловчиси Азимжон Нишонов ўтган давр мобайнида сувоқтирилган газни қуйишдан тушган 1 миллион 160 миң сўм савдо пулини назорат касса машинасида кўриб чиқилган эди. Шохобчада касса режаси қўлдан бери бажарилиб келаятгани ҳам шу текширувда маълум бўлди.

Азимжон ёш бола эмас — эллика қараб кетаяпти. Салкам, тўққиз йилдан бери Волид газилаштириш идорасига қарши автомашиналарга газ қуйиш шохобасида тақсимловчи бўлиб ишлаб келаяпти. Оилаи, икки нафар фарзанд бор. Болаларини тинчгина, ҳадоқ лўқма билан боқиб бўлади. Йўқ, нафс балосига йўлиқиб ҳаловатини йўқотган. Тушган тушумини яшириб бўйнамочин бўлди.

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туманида фаолият

ларга сарфлаб юборилганлигини аниқладилар. Уша кундан бери Саттор ўзини қаёққа қўйишни билмай юрибди.

Ушбу ҳолат бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар тегишли идоралар томонидан ҳам чуқурроқ ўрганилиб, ҳуқуқбузар С.Жабборовга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Савол туғилди. Қанчадан-қанча маблағ сарфлаб ўрнатилган назорат касса машиналарининг қуруқ савлат тўкиб туриши кимга керак? Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларда назорат-касса машинасида фойдаланиш шарт эканлиги ҳаммага маълум-ку. Билиб туриб қонунга зид иш қилаётган савдо қонунчилиги қачон инсоқ қиради? Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги

жарима ундирилади. Бундан ташқари назорат касса машиналари қўлланилмаган, кўчирма ёки бундай ҳужжатлар бериш мажбурий бўлган тақдирда қитанцияларнинг кўчирмасини, талонлар, чипталар ёки уларга тенгласитирилган ёшқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва хизматлар кўрсатилганда ундирилган сумма ҳақида бюджетга йўналтирилган ҳолда энг ҳам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоридан жарима ундирилади, жарима жазолари қўлланилгандан кейин бир йил мобайнида яна ҳуқуқбузарлик содир этилса — энг ҳам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдоридан жарима ундирилади. Бундай қўнғилхираларнинг содир бўлмаслиги учун амалдари қонун-қондаларни пухта амал қилган маълум.

Жасур НОСИРОВ.

Кирақашлар фаолияти тартибга солинади

(Давоми. Боши 1-бетда)

Агентлик муаммо долзарблигини ҳисобга олиб, йўловчи ташиш ишларида тартиб ўрнатилиши режаланиб равишда давом эттирилмоқда. Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда қатор автошоҳбкатларда хусусий ташувчилар ишини талаб даражасида ташиқлаштиришни мўлжалламоқда.

«Мақола» республика Ички ишлар вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди, — деб ёзди Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи С. Абдураулов. — Аввало, шунини маълум қилдики, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 31 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашда тола ташувчиларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги ҳамда ИИБ ИХХ бош бошқармаси билан ҳамкорликда қайта кўриб чиқилган. Мақолада кўтарилган муаммоларни ўз ичига олган бир қатор қўшимча тақдирлар киритилиб, «Тижорат фаолияти билан шуғулланувчи хусусий ташувчиларнинг ишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилган.

Бундан ташқари, республика Ички ишлар вазирлиги, Автомобиль ва дарё транспорт ҳамда Мабуот ва ахборот агентликлари, Давлат солиқ қўмитаси, «Ўтелерадиокомпания» ҳамкорлигида йўловчи ташиш билан машғул шахслар ишини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича профилактик чора-тадбирлар қўрилмоқда. Шу мақсадда мунтазам равишда рейслар ўтказилмоқда. Айбдорларга нисбатан қонунда белгиланган чоралар қўлланилмоқда. Рейслар натижалари оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб борилмақда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосари Н. Солепов имзо чеккан расмий жавобга қўйилганда таъкидланган: — Қўмитамиз ва унинг қўйи идоралари шахсий авто-транспортда аҳолига пулли хизмат қўрсатувчи жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва назоратга олиш бўйича доимий иш олиб бормоқдалар. Жумладан, давлат бюджетига тўловлар тўлиқ тушинини таъминлаш мақсадида лицензия олмасдан тадбиркорлик билан шуғулланувчи ҳамда солиқ идоралари рўйхатига олинмаган беш тортиб юрган йўловчи ва юк ташувчи транспорт воситалари эгалари аниқланмоқда. Уларнинг фа-

олиятини тартибга солиш юзасидан ИИВнинг ДАН бош бошқармаси, Автомобиль ва дарё транспорт агентлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган чора-тадбирлар бўйича рейслар ўтказилмоқда. Натижалари бўйича давлат солиқ бошқармаларидан ойма-ой маълумотлар олинган ва таҳлил қилинган ҳолда тегишли кўрсатмалар берилмоқда. Бу борада жорий йилнинг 1 сентябрга қадар ўтказилган рейсларда тегишли гувоҳномаси ва лицензияси йўқ 15,5 миңдан зиёд фуқарога қонун доирасида жарималар солинди.

Мақола муаллифининг йўловчиларнинг манзилларига хотиржам етиб олишлари хусусидаги тақдирларни ва бошқа масалалар Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлигининг ИИБ ва Давлат солиқ қўмитаси билан келишган ҳолда таёрланган ва Вазирлар Маҳкамасига тақдим қилинган «Ўзбекистон Республикасида йўловчиларнинг ва юкларни автомобиль транспортларида ташиш қондаларини тасдиқлаш ҳақида»ги Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасида ўз аксини топган. Солиқ идоралари бу борада ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни бажариши ваколат доирасида доимий равишда давом эттирилади.

Воқеа арафасида

Халқимизда «Каеринг оғриси ўша еринг жон», деган иборра бор. Танасидаги қайси аъзо хасталанса, бемор тиббиётнинг ўша соҳа мутахассисига мурожаат қилади. Дардида малҳам излайди. Инсон танасидаги ҳар бир аъзонинг ўз дўхтири бўлса-да, лекин деврли ҳар қандай касалликнинг асосида асаб фаолиятининг бузилиши ётиши кўп-да ҳаёлимизга келмайди. Тўғри, бу хасталиклар ҳақида, ундан фориғ бўлиш, шифокор тавсиялари ҳусусида ёзганимиз. Бироқ унинг тарихи, бугуни, эртаси ҳақида биламизми?

Бугун Ўзбекистон неврологларининг III қурултойи иш бошлади. Шу баҳона республикамизда кўзга кўринган неврологларга мурожаат этиб, Шарқ табибатида неврология фанининг тугган ўрни, бу фанининг ҳудудимиздаги асосчилари, неврология мактаблари, соҳанинг бўлажак мутахассислари ҳамда қурултойга тайёргарлик ҳусусида гапириб беришларини сўрадик.

Неврология кеча, бугун, эртага

Абдуманнон РАҲИМЖОНОВ — Тошкент варақлар мажлиси ошпириш институти асаб касалликлари кафедраси профессори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аربоби, академик: — Ўзбек неврологиясининг илдири буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Сино меросидан келиб чиққан. Кейинроқ неврология фани ва амалиёти Исмоил Журжоний, Ибн Хаттоб ар Розий, Умар Чағмоний, Муҳаммад ибн Юсуф табиб, Султонали табиб Хуросоний каби алломалар асарларида ўз аксини топган. «Неврология» атамаси ҳудудимизга ўтган асрнинг 20-йилларида Тошкентдаги илк университет таркибидagi тиббиёт факультети қошида очилган асаб касалликлари кафедраси билан кириб келди. Факультет тиббиёт институти ҳозирги (ТошДМИ)га айлانгандан сўнг кафедра кенгайтириб, бошқа тиббий муассасалар, жумладан Самарқанд, Андижон тиббиёт

институтлари ва ҳозирги Тошкент врачлар мажлисини ошпириш институти кафедралари учун кадрлар етиштириб берди. Профессорлар М.Захарченко, А.Шаргородский, Н.Мажиждовлар шу соҳанинг асосчи олимларидир. Улар ёш, лекин истеъодли маҳаллий кадрларга суянган ҳолда илмий кашфиётларини яратди. Жумладан, мия томиларининг бир хил хасталиги профессор М.Захарченко номи билан боғлиқ бўлиб, «Захарченко-Валленберг синдроми» деб аталади. Профессор А.Шаргородский бошчилигида Ўзбекистон неврологияси мактаби жаҳон неврологиясини вегетатив асаб тизими патологиясини чуқур ўрганиш билан бойитди. Бунда инсон терисининг ҳар бир қисми маълум ҳароратта эгаллидан келиб чиққан ҳолда унинг ўзгаришига қараб вегетатив функцияга баҳо берилган. Натيجида тегишли касалликлар аломатлари таърифлан-

ди. Хусусан, Я.Гордон кутуриси хасталигининг эмлаш жараёнини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшди. Чунки касалликнинг олдани олишининг ҳозирча ягона йўли шу эди. Қолаверса, бу олим маҳаллий кадрлар кўпайтиришга ҳамда Ўзбекистонда болалар неврологияси мактабига асос солган. **Озод ХУҲАЕВ — Кардиология илмий-тектириш институти**

зу ички аъзоларда ривожланган асоратларни ўрганиш бўйича ҳам катта ютуқларга эришган. Доманинг шогирдлари кўп. Дейлик, Б.Фафуров уйқунинг бузилиши, тунқанқ сабаблари, унинг кечиши, турли хил ички ва асаб хасталикларининг юзага чиқишида вегетатив нерв системасининг ролини ўрганиш бўйича иш олиб борган бўлса, бир нечта чет тилларни мукамал билган М.Атажонов шу йил Лондонда «Тропик Медицина» бўйича чоп этилган кўланманинг неврология боби муаллифидир. Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, бундай мактаблар Тошкент тиббиёт педиатрия институтида, Самарқанд, Андижонда ҳам мавжуд. Нукус, Бухоро, Урганч, Фарғонада эса неврология кафедралари ташкил этилган.

«Халқ сўзи» мухбири Умида ФАЙЗИЕВА суҳбатлашди.

Ўқитқон МАЖИДОВА — I Тошкент давлат тиббиёт институти невролог-магистрлар

ҲИҚМАТ

Тансиҳатликни сотиб олиб бўлмайдими, уни ақл-идрок беради.

Чақалоқ туғилди. У оила қувончи, авлод давомчиси бўлиб дунёга келди. — Мен гўдаклар парвариши учун масъулман, — дейди Нурота тумани туғуруқхонаси ҳамшираси Мунаввар Оқбўтаева.

СУРАТДА: Мунаввар Оқбўтаева. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



Соғлом она — соғлом фарзанд

... Ватан учун яшайлик

Тошкент шаҳридаги болалар тиш поликлиникасидан бирига йўлим тушди. Эҳ-ҳе, ана тиши оғриган болалару, мана тишини «кўрт еган» болалар. Кичкинтойлар ойжонларининг этакларига ёпишиб, инжиклик қилишади. Хонада тишини даволатаётган қизалоқ овози борича йилгайди. Кишлоқларда, яъни туман марказларида ҳам болалар тиш поликлиникалари бор. Лекин у ерда кўп учраётган тиш оғриган болаларни. Назаримда кишлоқ болаларининг кўпчилигининг тишлари бутун. Бунга уларнинг ҳовилларида пишиб-тўкилиб ётган мевалар сабабчимики? Қачон қарасанг, бир қўларида нок, бир қўларида анор ё беҳи, анжир ёки ўрик, шафтоли, олма, ёнғоқ... Бу мевалар ҳали пишиб етилмасидан гўра пайтиданок тишлаб-тишлаб, еб юришади.

Шундоқ дейману яна йўлайман. Ахир кишлоқда пишиб-етилган меваларнинг энг сарҳили, боз устига тўқсон фоизи шаҳар бозорларига келади-ку!

Эътибор берсангиз, шаҳарлардаги кўп қаватли уйларнинг ёнида қанчадан-қанча ерлар бўш ётибди. Ёки бу ерларда булар-булмас мевасиз дарахтлар экилган. Қани энди ҳар бир оила, ҳар бир хонадон соҳиб ақали тўрт-беш тулдан мевали ниҳол экиб парваришласа — шаҳарларимиз ҳам чаманзор бог бўлиб кетарди-я! Масалан, 48 хонадонли битта битта 200 тул мевали дарахт бўлса. Мевасини майли гўра пайтиданок ўша уй болалари еб юришса. Бу муаммо жуда кўп марта ўртага ташланган. Лекин на аҳоли, на маҳалла, на бошқа ташкилотлар астойдил шу гулдангиси келмайдилар.

Ҳозир кишлоқларда ҳам боғидаги мева-челани битта қўймай териб, Россияга пуллаётган одамлар кам эмас. Сентябрь ойининг ўрталари эди, ҳусайни узумлар қатор ишқомларда олтиндек товланиб пишиб ётган хонадонда бўлиб, роса ҳавасин келди. Дастурхонга узум қўйишди. Ширинликда асалдан ўтади. Орадан уч-тўрт кун ўтиб, ўша ҳовлига узум харид қилиш учун бордим. Не кўз билан кўрайки, ишқомда бир шингил ҳам узум қолмаганди. Хайрон бўлиб, уй соҳибасидан сўрасам, «Россиячиларга пулладик», деди.

Ахир ҳолажон, бир қисминини олиб қолсангиз, набираларингиз, ҳомилдор келиннингиз, ўзингиз бул кунини еб юрсангиз қони фойда эди-ку! — Эй, пул керак, қизим, пул! Яқинда набиранимизга тўй қиламиз. Ароқнинг ўзига анчагина пул кетаркан... — Оҳ, холажон-а. — Келиннинг қони қаймайиб, ё набираларингиздан бири касалхонага тушиб қолишса, фалон сўмга глюкоза, витамин каби дориларни олишга мажбур бўласиз-а!

Анорни, ҳурмони, беҳини, ҳатто ёз қуллари ўрик, шафтолини битта қолдирмай териб, хоризга жўнатаётган айрим кишиларга «Майли, сотиш керак, исроф бўлмасин, мевалар, лекин бола-чаққа, келин-кеват, ота-она тўйиб-тўйиб есин, бу Оллоҳ яратган ноз-неъматларин. Ортега сотинг, камхаржроқ, ичкиликсиз тўйлар қилинг. Тўйга етти маҳалла қачқириб шарт эмас. Ҳаво ўтказмайди-ган ялтир-юлтир матоларга ружу қўйиш яхшимас...» Қани энди овозим ҳамма ёққа етса!

Хукуматимиз, Президентимиз — болалар, аёллар, қариялар саломатлиги деб ҳамма вақт тинмай қайғураяпти. Бор чора-тадбирни ишга солаяпти. Барча мутасадди ташкилотларнинг фаоллиги, фидойилиги, инсонпарварлик ҳаракатлари оширилмоқда. Лекин ҳар бир одам ўзи ҳақида ҳам уйлаши керак-ку. Қанидир, ситир-бузогини сотиб тўй қилаётганлар сўт-қатик аёл учун, болалар учун қони фойда эканлигини тўшуниб етишса... Ёки сўт-қатикни була туриб, бир қочқинини уйдагиларга бермай, бозорга пуллаётганларга инсоф-

лигидаги мактабнинг оламга машҳур бўлиши ревматизм билан боғлиқдир. Дунёда кенг тарқалган бу дарднинг миёна берувчи асоратлари чуқур ўрганилди. Илк бор «нейро-ревматизм» атамаси қабул қилиниб, у ҳозиргача фанда ва амалиётада ишлатилляпти. Бу мактаб яна мия инсултлари билан боғлиқ бўлган биохимиявий, нейробиологик ўзгаришларни ва шу туйфайли баъ-

таёрлаш кафедраси муdiri, тиббиёт фанлари доктори: — Неврология соҳасида амалий кадрларни тайёрлашда тиббиёт институтилари ва устоз олимларнинг меҳнати катта аҳамиятга. Авваллари 4 ва 6 ойлик маляка ошириш курслари, бир йиллик интернатура, икки йиллик клиник ординатура мавжуд эди. Эндиликда эса уч йиллик магистратура пайдо бўлди. Демак, неврологлар ўз малакаларини оширишга янги имкониятлар яратилляпти. Уйлашимизки, булажак қурултойларнинг илмий ишларига катта наф келтиради. Чунки унинг дастуридан ўзининг оқибатлари билан ажралиб турайдиган мия инсултлари, асаб тизимининг ялдилганини, бел оғрини, тунқанқ каби касалликларнинг олдани олиш ва даволаш масалалари ўрни олган. Оналар ва болаларда учрайдиган хасталикларга ҳам катта эътибор берилган. Юрак, қон-томир, ўпка, жигар, қон хасталиклари туйфайли ва ҳомилдорлик даврида юзага келадиган асабий асоратларни ўз вақтида ташхислаш масалалари ҳам қурултой қатнашчилари диққат марказида бўлади. Хорижий фармация компаниялар томонидан асаб касалликларини даволаш учун тавсия қилинаётган янги дорилар бўйича ҳам фикр-мулоҳаза қилиш кўзда тутилган. Аҳолига неврология хизматини такомиллаштириш ва шу мақсадда кадрлар етиштиришни янги поғонага кўтариш масалалари алоҳида муҳокама қилинади. Ўзбек неврологиясининг келажги қандай бўлиши қурултойда ҳал этилганган шу каби муаммоларга боғлиқ.

Санъат МАХМУДОВА.

Юртимиз пахтакорлари, деҳқонлари диққатига!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

2002 йил 20 сентябрдан эътиборан, 1 ноябргача бўлган давр мобайнида 7 ой муддатга очилиб, йиллик 45 фоиз даромад тўланадиган

«ҲОСИЛ» жамғарма омонатини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Ушбу омонатга маблағингизни «Пахта Банк»нинг исталган бўлимига қўйишингиз ва ҳар ойда фоизли даромадингизни олиб боришингиз мумкин.

Хирмонингиз баракали бўлсин, азиз юртдошлар!

Тўлиқ маълумот учун телефонлар: 173-25-56, 78-10-32.

«Пахта Банк» фаровонлигингиз калитидир!



НОВВОЙ ФУРУРИ

Вафо новвой Самарқанднинг шундоқкина биқинди, Галаосиёда яшайди. У менга қизик бир воқеани сўзлаб берди:

— Утган йили ўшлик новвой дўстларим тўйга таклиф қилиб қолишди. Самарқанд ер юзига, аввало, ширмой нонлари билан машҳур, нондан ортққ тўёна бўлмас, дедим-у бир тандир нон ёпиб, йўлга чиқдим. Шофёр йилит туғунимни юкхонага қўйдирмади. Салонга чиқаришга ёрдам бериб, ёнимдаги ўриндикка жойлади. Ман-зилда етгач, нонларим бир одамнинг ўрнини банд қилиб келди, рози қила-ин деб пул узатган эдим, самимий рад этди: «Нон азиз, ака. Нон учун пул олмайман. Розиман», деди.

Туй ўзинга хос тарзда бир чиройли ўтди. Лекин мени бошқа бир нарса ҳайратга солди. Бунни қарангки, келин-куёв, уларнинг энг яқин дўстлари, қудалар ва азиз меҳмонлар дастурхонага устига пул сиқим майиз солиб Самарқанд нонларидан қўйиш одат эмас. Бизни танимаганлар, ҳатто «Олинг, меҳмон, бу Самарқанднинг машҳури ҳажон нонлари, мазорбост...» дея юксак илтифот кўрсатишди.

Мен ўзимни олдигина новвойман-да, деб юрардим. Болалардан мерос бўлиб келадиган хунари давом эттираётганимдан, мен ва мен сингари новвойлар ёпаётган ширмой нонларини минглаб одамлар эъозлаб, қўзига суртаётганидан бошим осмонга етди.

Убай ҚОДИР, (ЎзА).


Шахрисабзнинг 2700 йиллигига

Хозирги Шахрисабз (бурунги Кеш) 2700 йиллик тарихга эга бўлиб, унинг ўтмиши ҳақида қадим археологик материалларда ва ёзма манбаларда қимматли маълумотлар қайд этилган. Куйида Кешнинг 8-12 асрлар тарихидан сўзловчи, ушбу даврда ёзилган манбалардан лавҳалар келтирамиз.

Тарихларда акс этган шаҳар

Умумий тарихга оид араб тилидаги манбалардан бири — "Тарихи Табарий", тўла номи "Тарих ар-русул ва-л-мулк" ("Пайгамбарлар ва подшоҳлар тарихи") бўлиб, унинг муаллифи Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийдир (839-923 йиллар). Асарда қадимдан то 915 йилгача бўлган тарихий воқеалар ёзилган. Урта Осиёнинг VII-IX асрлар тарихидан хабар берувчи лавҳалар берилган. Кешга оид тафсилотлар ҳам бор.

Мусо ғалаба қозонишга кўзи етмагач, бу жойни тарк этди". 709 йили араблар Кешни босиб олдилар. Лекин Кеш овозлик курашида кейинги йилларда ҳам Мовароуннаҳрдаги асосий шаҳарлардан бири бўлиб қолди. Бунга Абу Муслим тарихи билан боғлиқ воқеаларни мисол келтириш мумкин. Абу



Шахрисабздаги тарихий обидаларни таъмирлаш ишларида бухорolik усталарнинг ҳам ҳиссаси катта. — Бу бизнинг тўйга тўёнмиз, — дейди "Кўк тўйбаз" мажмуаси таъмирида иштирок этаётган (суратда) Амин Давронов ва Солиқ Очиловлар. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Муслим ҳаракати (747-750) йилларида Кеш муҳим ўрин эгаллаган. Кеш деҳқонлиги ҳукмдори Иҳрид 746 йили Абу Муслимга қарши чиқиб, қаттиқ жангу жадаллар олиб боради ва қаҳрамонларча ҳалок бўлади.

777 йили Муқанна кўзғолони чоғида Кеш кўзғолон маркази бўлган. "Тарихи Табарий"да ушбу тарихий воқеа хусусида ҳам тафсилотлар қайд этилган. "161 (777) йил. Шу йили Хуросонда Марв вилояти кишкочларидан бирида Ҳаким ал-Муқанна кўзғолони бошланди. У кўпларни йўлдан оздириди, катта кўч йўли ва Мовароуннаҳрга борди. Ал-Маҳдий унга қарши жанг қилиш учун ўзининг бир қанча ҳарбий саркараларини юборди. Ва яна ал-Маҳдий махсус кўшин тузиб, Саид ал-Харашийни бошлиқ қилди ва уларга қўшди. Ҳаммасини ўша пайтда Хуросон (ва Мовароуннаҳр) номи билан Муаз ибн Муслим ихтиёрга жўнатди. Ал-Муқанна эса озиқ-овқат тямлаб Кешдаги кўрғонлардан бирга жойлашди ва қамалга ҳозирлик қўра бошладилар.

Ал-Муқаннанинг ҳалок бўлиши 163 (779) йили юз берган. Гап шундаки, Саид ал-Хараший (Муқаннани) Кешда қамал қилган эди. У қамалда тинка-мадорни қурди, ҳалок бўлишига кўзи етгач, заҳар ичди. Барча хотинлари (уларнинг умумий сони юзта бўлган) ва қарамондагиларига ҳам заҳар ичирди. Айтишларича, у ўлган ва улар ҳам ўлганлар.

Душман кўшиклари кўрғонга бостириб кирдилар ва унинг бошини танасидан жудо қилиб, ўша вақтда Ҳалабада турган ал-Маҳдийга юбордилар". "Тарихи Табарий" асаригада Муқанна воқеалари билан боғлиқ тарих кейинги асрларда ёзилган баъзи китобларда ҳам берилган. Жумладан, Абуабду Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий қаламига мансуб "Бухоро тарихи" номли асарда, асосан, Бухоронинг ўрта асрлардаги тарихи ҳақида ҳикоя қилинади, айни пайтда Мовароуннаҳр, хусусан, Кеш шаҳри ва вилояти тарихи қайд этилган. Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асари, "Тарихи Табарий" китобидagi воқеаларни тасдиқлаш билан бирга, ундan фарқли томонлари ҳам бор. Масалан, Муқанна кўзғолони тафсилотларини олиб қарайдиган бўлсак, Муқаннанинг Кешдаги охириги давларида боғишланган махсус бир ҳикоят келтирилган. Унда Муқанна барча хотинларини заҳарлаб, охирида ўзини оловга ташлаб қўйиб ўлган, дейилган.

Ушбу давр ёзма манбаларидан яна бири — Абу Райҳон Берунийнинг (XI аср) "Қонуни Масъудий" асарига Кеш ҳақида географик маълумот берилган. Унда Кеш шаҳрини иқлимдаги шаҳарлар қаторида санаб ўтилган унинг географик узунлик ва кенглиги ҳам кўрсатилган.

Абу Саъд Абдуллоҳлар ибн Муҳаммад ас-Самъоний (XII аср) "Китоб ал-ансоб" асарига Кеш шаҳри Наршабадан кичикроқ эканлигини ва маҳаллий аҳоли шаҳар номи "Киши" шаклида талаффуз қилишини қайд этган.

Умуман, Кеш тавсифи ўрин олган ёзма маълумотларга назар соларканмиз, кўз ўнгимизда замоналар кечмишидан сабот билан ўтиб келган мўнасафиди шаҳар буғунги баркамол Шахрисабз ўз қадим тарихи билан ғавваллашди ва унда Ўзбекистоннинг серқирра тарихи китобининг муҳим саҳифалари акс этганини кўрамиз.

Омонулло БҲРИЕВ, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими.

Ватанамиз шаънини улуг'лаганлар

Иккинчи олтин медаль соҳиби

Алексей бу йил 28 баҳорни қаршилади. Унинг амакиси таниқли полвонлардан эди. Шу боис Алексей болалик чоғидан курашга меҳр қўйди: 7 ёшидан бошлаб спорт уйида машқ қила бошлади. 18 ёшида ёшлар биринчилигида қатнашиб, илк бор ғолиблик нашиласини сурди. Кейинчалик эса Колумбияда бўлиб ўтган жаҳон биринчилиги ва Грецияда ўтказилган дунё ёшлари чемпионатида энг юқори поғонага кўтарилди, юнон-рум кураши бўйича иқтидорли спортчи эканлигини намойиш қилди.



Мана, икки йилдирки, Алексей Чеглаков терма жамоамиз сафида мамлакатимиз шарафини муносиб равишда ҳимоя қилиб келмоқда. У 2000 йилда Монголияда Осиё чемпиони бўлган бўлса, бу йил Осиё ўйинларида ғалаба қозонди. "Жанубий Кореяда рақибларингиз билан қандай курашдингиз?" деган саволимизга Алексей шундай деб жавоб берди: — Мусобақалар ниҳоятда шиддатли тусда ўтди. Гап шундаки, қандай доирадаги баҳс бўлмасин, ҳамини дастлабки дақиқалар мен учун оғир кечди. Устига устак, бизнинг кичик гуруҳимиздаги полвонларнинг ҳаммаси кучли эди. Масалан, биринчи марта жиддий рақиб — қозғистонлик Асимбеков билан бирга гиламга чиқиб шимга тўғри келди. Бироқ уни 40 ҳисобда мағлуб этдим. Кейин Эрон, Сурия полвонларини енгиб, финалга чиқдим. Финалда эса, ўзингиз биласиз, менга Жанубий корейлик Пак Му Юнг рақиб бўлди. Унинг мезбонлиги, бинобарин, муҳлислари кўпчилиги ҳисобга олинса, ўртамаздаги кураш қанчалик мурасосиз ўтганлигини англаш қийин эмас, деб ўйлайман... — Осиё ўйинлари ҳақидаги таассуротларингизни ҳам билишни истарлик. — Маълумки, бу — Олимпиада! Унда олтин

медальга сазовор бўлиб, Ўзбекистон шаънини улуг'лаганимдан бахтиёрман. Мусобақалар кучимга-куч қўшди, Афинада бўладиган навбатдаги Олимпиада ўйинларида қатнашишимга ишонч уйғотди. — Режаларингиз... — 2003 йилда жаҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унга ҳозирданқ тайёргарлик кўрмоқчиман. Аянвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган сурат.

ЯШИЛ ҚИТЪАГА ЙЎЛЛАНМА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Иванна Исроилова, Елена Арутюнова, Велена Мамутова, Элеонора Ситжемелова, Александр Сорокотяга каби ёш, иқтидорли теннисчилар кортага тушиши. Хабарингиз бор, Олег Пусан баҳсларида яқка тартиб ва жамоавий беллашувларда ҳамда микст (аралаш жуфтликлар) баҳсларида Ирода Тулаганова билан бронза медали соҳиби бўлган эди.

4 ҳисобда мағлуб бўлди. 18 ёшли ҳамюртимиз октябрь ойи бошида Хиндистондаги мукофот жағмармаси 10 000 долларга тенг бўлган ITF аёллар баҳсининг финалида айнан ушбу спортчиға рубарў келиб, имкониятни бой берганди. Қолаверса, ўтган баҳсларда Е.Арутюнова, В.Мамутова, А.Кокурина, А.Сорокотягалар ҳам биринчи баҳсларданқ томошабинлар сафидан жой эгаллашди.

Микст баҳсларида Анна Шупак, Дмитрий Томашевич, Иванна Исроилова, Мурод Иноят, Окгул Омонмуродова каби спортчиларимиз кортага тушишганди. Бугун чорак финал беллашувлари бўлиб ўтади. Унда Д.Томашевич, В.Куценко, И.Исроилова каби теннисчилар ярим финал учун кураш олиб боришади.

Шу ўринда яна бир гапни айтиб ўтиш керак. Эртага, 18 октябрь кунини "Интерконтинентал" меҳмонхонасида Осиё теннис федерацияси (ОТФ) директорлар кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтади. ОТФ ижрочи директори Шунругам Утрапатининг сўзларига қараганда, йиғилишда қитъада теннис бўйича йил якунилари, келгуси йил режалари, худудий федерациялар муаммолари ҳамда теннис ривожини учун амалга ошириладиган тадбирлар кўриб чиқилади. Фахриддин САТТОРОВ.

ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ОШХОНА ЖИҲОЗЛАРИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Таклиф эълон чиққан кундан бошлаб 30 кун ичида қабул қилинади. Маълумотлар учун куйидаги телефонлар орқали мурожаат этишингиз мумкин: 120-76-58, 120-76-98, 120-76-00, қўшимча 26-82, 26-85.

ТАШКИЛОТ ҚУЙДАГИ МАТБААЧИЛИК ЖИҲОЗЛАРИНИ СОТИБ ОЛАДИ: офсет босма машинаси; ўйиш жиҳози. Телефонлар: 137-66-20, 85-10-80. Лицензия 10-592 30.05.2000 йилдан.

SIEMENS So склада в Ташкенте и по контракту учрежденческие СИСТЕМЫ СВЯЗИ. Сервис 24 часа в сутки, Help Desk, Гарантийное и контрактное обслуживание, Квалифицированный монтаж и наладка оборудования, Техническая поддержка и обучение клиентов сертифицированными специалистами, Гибкая система скидок. Сертифицированный №1 БИЗНЕС-ПАРТНЕР. "Aleks Telecom". ПРИГЛАШАЕМ К СОТРУДНИЧЕСТВУ региональных дилеров. тел.: 120-72-00, 120-72-01. e-mail: info@telecom.aleksgroup.uz

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси МДХ давлатлари бошқармаси ходими Алишер Фуломовга отаси Турсунбой ФУЛОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар судининг раиси Назар Қаршибековга укаси Наврўз ҚАРШИБОВЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзлангитта» жамоаси инспекция бошлиғи Нодир Рамазановга отаси НАСИБАНнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Тошкент кимё-технология институти жамоаси «Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқшунослик» кафедрасининг профессори Ҳайдарали УЗОҚОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади. Ўзбекистон Республикаси Банк-модели академияси жамоаси етакчи илмий ходим Шавкат Тешаевага отаси Жума ТЕШАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» «Народное слово» МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Таҳрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. МИРАЛИМОВ, С. МУХИДДИНОВ, Ш. СИЗАЕВ, М. САФАБОВ, Р. ФАРҲОДИЙ, И. ХУДОЁЕВ, О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҲОШИМОВ. БЎЛИМЛАР: Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 132-78-92 Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65 Маънавият ва маърифат — 136-35-60; Газетхонлар билан алоқа ва миттақалар — 136-29-89; 132-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва турizm — 132-12-08; Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 977, 27225 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида термдан ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — С. ДОНИЕРОВ. Муеаххих — О. АБДУАЗИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материали.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 22.10. 1 2 3 4 5 6